

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ФИСКАЛ ИНСТИТУТ**

**ДУСИЯРОВ ШЕРЗОД ХОЛМУРОТОВИЧ**

**КИЧИК ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШ**  
**МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00. 07 – Молия, пул муомаласи ва кредит**

**иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
экономическим наукам**

**Content of dissertation abstract of Doctor of Philosophy (PhD) on  
economical sciences**

**Дусияров Шерзод Холмуротович**

Кичик тадбиркорлик субъектларини солиққа тортиш механизмини  
такомиллаштириш..... 3

**Дусияров Шерзод Холмуротович**

Совершенствование механизма налогообложения субъектов малого  
предпринимательства..... 23

**Dusiyarov Sherzod Kholmurotovich**

Improvement of the mechanism of taxation of small entrepreneurship entities... 43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 48

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ФИСКАЛ ИНСТИТУТ**

**ДУСИЯРОВ ШЕРЗОД ХОЛМУРОТОВИЧ**

**КИЧИК ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШ**  
**МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00. 07 – Молия, пул муомаласи ва кредит**

**иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан B2020.4.PhD/Iqt1302 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Фискал институтда бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси ([www.tsue.uz](http://www.tsue.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталига ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Урмонов Жаҳонгир Жалолиддинович**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Кузиева Наргиза Рамазановна**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Қурбонов Хайрулла Абдурасулович**  
иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Г.В.Плеханов номидаги Россия**  
иқтисодиёт университети Тошкент филиали

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/10.12.2019.I.16.01 рақамли илмий кенгашнинг 2022 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислоҳ Каримов кўчаси 49-уй. Тел.: (99871) 239-28-72, факс: (99871) 239-43-51, e-mail: [info@tsue.uz](mailto:info@tsue.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( \_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислоҳ Каримов кўчаси 49-уй. Тел.: (99871) 239-28-72, факс: (99871) 239-43-51, e-mail: [info@tsue.uz](mailto:info@tsue.uz).

Диссертация автореферати 2022 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.

(2022 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Н.Х. Жумаев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
раиси, и.ф.д., профессор

**У.В. Гафуров**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
котиби, и.ф.д., профессор

**С.К. Худойкулов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар  
раиси, и.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори(PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон мамлакатларида иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши, аҳоли бандлиги ва иқтисодий ўсишни таъминлашнинг муҳим омили сифатида кичик бизнес ва тадбиркорликнинг аҳамияти ортиб бормоқда. Жумладан, “иқтисодий фаол аҳолининг АҚШда 52 фоизи, Хитойда 83 фоизи, Германияда 57 фоизи ва Японияда 72 фоизи кичик бизнесда банд бўлиб, АҚШда ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)нинг 56 фоизи, Хитойда 60 фоизи, Германияда 43 фоизи ва Японияда 67 фоизи кичик бизнес улушига тўғри келмоқда”<sup>1</sup>. Шунингдек, “иқтисодиётда ЯИМга нисбатан солиқ юки даражаси АҚШда 24,5 фоиз, Буюк Британияда 33,0 фоиз, Германияда 38,8 фоиз, Швецияда 42,9 фоиз, Туркияда 23,1 фоиз, Японияда 32,0 фоиз, Жанубий Кореяда 27,4 фоиз, ИХТТга аъзо мамлакатларда 33,8 фоиз ва Россияда 32,0 фоизни ташкил этган”<sup>2</sup>. Мазкур маълумотларга кўра, дунёнинг ривожланган мамлакатлари тажрибасида кичик бизнес субъектлари мамлакатнинг иқтисодий ривожига муҳим аҳамият касб этади. Шу билан бирга, сўнгги йилларда кичик бизнес субъектлари фаолиятини ривожлантириш мақсадида хорижий мамлакатларда кичик бизнес субъектлари учун умумбелгиланган ва махсус солиқ режими шароитида солиқ юкини текис тақсимлашга йўналтирилган ислохотлар амалга оширилмоқда.

Ҳозирги глобаллашув шароитида кўплаб хорижий мамлакатларда глобал инқироз ва пандемиянинг иқтисодиётга таъсирини камайтириш, иқтисодий ўсишни таъминлаш ва бизнесни қўллаб-қувватлашда солиқ механизми орқали кенг ислохотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, бизнесга солиқ юки ва солиқ ставкаларини камайтириш, солиқларни кечиктириб ёки бўлиб-бўлиб тўлаш, экспортни рағбатлантириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича солиқ имтиёзларини қўллаш, шунингдек, солиқ тизимини рақамлаштириш ва солиқ маъмуриятчилиги шаффофлигини ошириш, бизнесни юритиш учун қулай инвестицион иқлим ва ишбилармонлик муҳитини яратиш ҳамда солиққа тортиш механизминини такомиллаштириш каби йўналишлардаги илмий тадқиқотларга эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистонда хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада кучайтириш, бизнесни юритиш ва тадбиркорлик фаолиятини солиққа тортишда бир қанча муаммолар мавжуд бўлиб, солиқ юкининг юқорилиги, солиқ маъмуриятчилигининг шаффоф эмаслиги, солиқ солиш мақсадида кичик тадбиркорлик субъектларини аниқлаш мезонлари оптимал белгиланмаганлиги, хуфиёна иқтисодиётнинг мавжудлиги, солиқ тушумларини яшириш, солиқ базаси ва объектлари камайтириб кўрсатилиши каби ҳолатлар мавжуд бўлиб, уларни ҳал этиш йўлларини ишлаб чиқиш ва амалий ечимларини топиш муҳим аҳамият касб этади. Бу борада, миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлашда 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида

<sup>1</sup> Санников Д.В. Анализ современного состояния мер поддержки малого и среднего предпринимательства в России в условиях коронакризиса. //Экономика, предпринимательство и право. 2022. Том 12. № 6. – С. 1693-1708. – <https://1economic.ru/lib/114850> ; <http://doklad.ombudsmanbiz.ru/2021/7.pdf>

<sup>2</sup> <https://eyourcountry.org>. - Revenue Statistics.; <https://stats.oecd.org>.; <https://taxfoundation.org>.

“Миллий иқтисодийётни ислоҳ қилиш борасида ташқи савдо, солиқ ва молия сиёсатини либераллаштириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва хусусий мулк дахлсизлигини кафолатлаш, 2026 йилга бориб тадбиркорлик субъектларига солиқ юкмасини ялпи ички маҳсулотнинг 27,5 фоиздан 25 фоизи даражасига камайтириш, тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилиш ва доимий даромад манбаларини шакллантириш учун шароитлар яратиш, хусусий секторнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 80 фоизга ва экспортдаги улушини 60 фоизга етказиш”<sup>3</sup> каби вазифалар белгиланган. Мазкур вазифаларнинг бажарилиши тадбиркорлик субъектларини солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш заруратини кўрсатмоқда.

Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2017 йил 18 июлдаги ПФ-5116-сон “Солиқ маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2018 йил 29 июндаги ПФ-5468-сон “Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида”ги, 2020 йил 3 декабрдаги ПФ-6121-сон “Ресурс солиқлари ва мол-мулк солиғини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги, 2021 йил 7 сентябрдаги ПФ-6307-сонли “Солиқ мажбуриятларини бажаришда тадбиркорлик субъектларига янада қулай шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2021 йил 15 сентябрдаги ПФ-6314-сон “Тадбиркорлик субъектлари учун маъмурий ва солиқ юкни янада камайтириш, бизнеснинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишига мослиги.** Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодийётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Солиқларнинг назарий ва ҳуқуқий асослари ҳамда солиққа тортишга оид муаммолар классик иқтисодчи олимлардан У. Петти, Д. Рикардо, А. Смит, шунингдек ҳозирги замон олимларидан И.М. Александров, А.В. Брызгалин, В.Г. Князев, И.М. Майбуров, В.Г. Пансков, А.Б. Паскачев, Д.Г. Черникларнинг<sup>4</sup> илмий асарларида тадқиқ

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли фармони. – [www.lex.uz](http://www.lex.uz) .

<sup>4</sup> Петти У. Трактат о налогах и сборах. Слова мудрым. Разное о деньгах. –М.: Ось-89, 1997. 346 с.; Рикардо Д. Начало политической экономики и налогового обложения. Сочинения, том I. – М.: Государственное издательство политической литературы, 1955. -360 с.; Смит А. Исследования о природе и причинах богатства народов. Пер.с англ. – М., 1962. - 408 с.; Александров И.М. Налоги и налогообложение. Учебник. – 7-е. изд., перераб. и доп. - Издательско-торговая корпорация «Дашков и Ко», - М.: 2007. – 314 с.; Брызгалин А.В. Правовое регулирование порядка установления и взимания местных налогов и сборов. //Финансы. 1996. № 1. –

этилган. Тадбиркорлик субъектларини солиққа тортиш муаммоларини тадқиқ этишнинг айрим жиҳатлари ўзбекистонлик иқтисодчи олимлар М.А. Альмардонов, Н.Б. Ашурова, У.В. Гафуров, Н.Х. Жумаев, А.С. Жўраев, Т.С. Маликов, И.М. Ниязметов, Б.Р. Санақулова, Ш.А. Тошматов, Б.Э. Тошмуродова, Ж.Ж. Урмонов, К.Р. Хотамов, С.К. Худойкулов, Н.Х. Ҳайдаров, З.Н. Қурбонов, Н.Р. Қўзиева, О.Т. Юлдашевларнинг<sup>5</sup> илмий ишларида ўрганилган.

А.А. Ботиров кичик тадбиркорлик субъектларини солиққа тортиш амалиётини такомиллаштириш ва Қ.Н. Тўхсанов кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини солиққа тортишни такомиллаштириш масалаларини тадқиқ этишган<sup>6</sup>.

Ушбу мавзу доирасида амалга оширилган илмий тадқиқот ишларига қарамай, миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлаш шароитида Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида белгиланган ўрта истиқболга мўлжалланган устувор вазифалар ижросини таъминлаш, кичик тадбиркорлик субъектларини солиққа тортиш механизминини такомиллаштириш масалаларини мустақил илмий тадқиқот объекти сифатида ўрганиш, шунингдек, глобал инқироз ва пандемия шароитида

---

С. 30 с.; Пансков В.Г, Князев В.Г. Налоги и налогообложение: Учебник для вузов. – М.: МЦФЭР, 2003. – 336 с.; 165.; Майбуров И.М. Налоги и налогообложение. Учебник. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2007. – 655 с.; Миляков Н.В. Налоги и налогообложение. Учебник. Инфра-М. – М., 2007. – 507 с.; 155.; Паскачев А.Б. Анализ и планирование налоговых поступлений: теория и тактика. – М.: Изд. Экономико-правовой литературы, 2004. – 232 с.; Черник Д.Г. Налоги. 4-е издание. – М.: Финансы и статистика, 2000. –430 с.

<sup>5</sup> Альмардонов М.И. Ўзбекистон Республикаси солиқ тизими ва унинг тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга таъсири. и.ф.д. илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация. – Т.: ТМИ, 2004.- 233 б.; Ашурова Н.Б. Барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда солиққа тортиш механизминини такомиллаштириш. Иқт. фан. док. ... дисс. автореф. – Т.: 2018. – 72 б.; Гафуров У.В. Кичик бизнесни давлат томонидан тартибга солишнинг иқтисодий механизмларини такомиллаштириш. и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган дис. автореферати.–Т., 2017. 72 б.; Жумаев Н.Х. Ўзбекистонда валюта муносабатларини тартибга солиш методологиясини такомиллаштириш. Диссертация автореферати. – Т., 2008. - 37 б.; Жўраев А.С. Давлат бюджети даромадларини шакллантиришнинг долзарб муаммолари. и.ф.д. илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. – Т.: ДЖҚА, 2005. – 38 б.; Маликов Т.С. Солиқлар ва солиққа тортишнинг долзарб масалалари. – Т.: Академия, 2002. – 204 б.; Ниязметов И.М. Солиққа тортиш механизмларини такомиллаштириш орқали солиқ тизими барқарорлигини таъминлаш. Иқт. фан. док. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2018.–72 б.; Санақулова Б.Р. Кичик тадбиркорлик субъектларини солиққа тортиш механизминини такомиллаштириш орқали иқтисодий ўсишни таъминлаш. Иқт. фан. док. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2016. 87 б.; Тошматов Ш.А. Корхоналар иқтисодий фаоллигини оширишда солиқлар ролини кучайтириш муаммолари. и.ф.д. илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати.- Т.: 2008. -38 б.; Тошмуродова Б.Э. Иқтисодий тараққиётга эришишда солиқлардан самарали фойдаланиш: и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган дис. автореферати. – Т., 2007. – 32 б.; Урмонов Ж.Ж. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини солиқ механизми воситасида тартибга солишни такомиллаштириш масалалари. Иқт. фан. док. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2018. 74 б.; Ҳотамов К.Р. Билвосита солиқлар ҳисоби ва таҳлилини такомиллаштириш. Монография. – Т.: Молия, 2016.-156 б.; Худойкулов С.К. Солиқ тушумларини прогноз қилиш методологиясини такомиллаштириш. И.ф.д. дисс. автореферати. – Т., 2019. -77 б.; Ҳайдаров Н.Х. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида корхоналар инвестицион фаолиятидаги молия-солиқ муносабатларини такомиллаштириш масалалари. И.ф.д. ил. дар. ол. ун. тақд. эт. дисс. автореф. – Т., 2003.-34 б.; Қурбонов З.Н. Солиқ ҳисоби ва аудитининг методологик муаммолари. Монография. – Т.: Фан ва технология, 2003.- 156 б.; Қўзиева Н.Р. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолиятини рағбатлантиришнинг молия-кредит механизминини такомиллаштириш йўналишлари. и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Т.: ТМИ, 2008.- 298 б.; Юлдашев О.Т. Ўзбекистон Республикасида солиқ имтиёзларини такомиллаштириш йўналишлари. и.ф.н.ил.дар.ол.ёз.дисс.автореф. – Т., 2011.-24 б.

<sup>6</sup> Ботиров А.А. Кичик тадбиркорлик субъектларини солиққа тортиш амалиётини такомиллаштириш йўллари. и.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т., 2012. - 23 б.; Тўхсанов Қ.Н. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини солиққа тортишни такомиллаштириш. и.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т., 2019. - 36 б.

кичик бизнесни солиққа тортишнинг назарий ва амалий жиҳатларини комплекс тадқиқ этиш – тадқиқот мавзуси сифатида танланишига асос бўлди.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Фискал институтнинг «Рақамли иқтисодиёт шароитида солиқ маъмуриятчилиги ва халқаро солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш» мавзусидаги давлат амалий тадқиқотлар лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** кичик тадбиркорлик субъектларини солиққа тортиш механизмини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг ташкилий, ҳуқуқий, назарий асосларини ўрганиш, уларни ривожлантириш босқичлари ва миллий иқтисодиётда тутган ўрнини тадқиқ этиш;

тадбиркорлик фаолиятини солиқлар орқали тартибга солишда солиқ механизмининг моҳияти ва назарий асосларини тадқиқ этиш;

якка тартибдаги тадбиркорлар ва ўзини ўзи банд қилган шахсларни солиққа тортишнинг амалдаги ҳолатини таҳлил қилиш;

кичик тадбиркорлик субъектлари молиявий фаолиятига солиқларнинг таъсирини таҳлил қилиш ва берилган солиқ имтиёзлари самарадорлигини ошириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

кичик тадбиркорлик субъектларини солиққа тортиш борасида хорижий мамлакатлар илғор тажрибаларини Ўзбекистонда қўллаш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиш;

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини солиққа тортиш механизмини амалий жиҳатдан таҳлил этиш ва ва бюджетга солиқ тушумларини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

кичик тадбиркорлик субъектларини солиққа тортиш тизимидаги муаммоларни бартараф этиш ва солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш юзасидан илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида кичик тадбиркорлик субъектларини солиққа тортиш механизми танланган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни Ўзбекистондаги кичик тадбиркорлик субъектларини солиққа тортишда давлат бюджети билан юзага келадиган молиявий муносабатлар ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертация тадқиқоти жараёнида тўпланган статистик маълумотларни қайта ишлаш, анализ ва синтез, қиёсий таҳлил қилиш, гуруҳлаш усулларида фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:**

тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи субъектларнинг солиқ даврида товар (хизмат)ларни реализация қилишдан олинган даромади ҳажмига қараб айланмадан олинадиган солиқни жорий этиш таклифи ишлаб чиқилган;

аҳолини тадбиркорлик фаолиятига янада кенг жалб қилиш ва қонуний меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун қўшимча шарт-шароитларни яратиш

мақсадида, ўзини ўзи банд қилган шахслар шуғулланиши мумкин бўлган фаолият (ишлар, хизматлар) турларини ишлаб чиқиш ҳамда солиққа тортишни соддалаштириш таклиф этилган;

бир нечта фаолият тури билан шуғулланувчи якка тартибдаги тадбиркорлик субъекти ҳар бир фаолият тури учун алоҳида-алоҳида қатъий белгиланган миқдордаги солиқни тўлаши, фаолият билан икки ва ундан ортиқ аҳоли пунктларида шуғулланганида эса, фаолият амалга оширилган жой учун ўрнатилган солиқни тўлаш таклиф қилинган;

тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи ногиронлиги бўлган шахслар фаолият туридан ва уни амалга ошириш жойидан қатъи назар, ойига қатъий белгиланган миқдордаги солиқнинг 50 фоизини, бироқ базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда солиққа тортиш (тўлашлиги) таклиф этилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

солиқ даврида товар (хизмат)ларни реализация қилишдан олинган жами даромади бир миллиард сўмдан ошмаган Ўзбекистон Республикаси юридик шахслари ва солиқ даврида товар (хизмат)ларни реализация қилишдан олинган даромади юз миллион сўмдан ошган, лекин бир миллиард сўмгача бўлган якка тартибдаги тадбиркорлар айланмадан олинадиган солиқни тўлаши кераклиги тартиби бўйича таклиф асослаб берилган;

аҳолини тадбиркорлик фаолиятига янада кенг жалб қилиш ва қонуний меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун қўшимча шарт-шароитларни яратиш мақсадида, ўзини ўзи банд қилган шахслар шуғулланиши мумкин бўлган фаолият (ишлар, хизматлар) турлари рўйхати тасдиқланган;

бир нечта фаолият тури билан шуғулланувчи якка тартибдаги тадбиркорлик субъекти ҳар бир фаолият тури учун алоҳида-алоҳида қатъий белгиланган миқдордаги солиқни тўлаши, фаолият билан икки ва ундан ортиқ аҳоли пунктларида шуғулланганида эса, ушбу аҳоли пунктлари учун ўрнатилган юқори ставкада солиқ тўлаши таклиф қилинган;

тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи субъектларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида, I ёки II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар тадбиркорлик фаолиятини амалга оширган тақдирда фаолият туридан ва уни амалга ошириш жойидан қатъи назар, ойига қатъий белгиланган миқдордаги солиқнинг 50 фоизини, бироқ базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда тўлашлиги ҳамда «Хунарманд» уюшмаси аъзоси бўлган ва хунармандчилик маҳсулот (товар ва хизмат)ларини ишлаб чиқариш ҳамда реализация қилишни амалга оширганида қатъий белгиланган миқдордаги солиқни тўлашдан озод этилиши юзасидан таклиф илмий асосланган.

микрофирма ва кичик корхоналарни солиққа тортишнинг хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибасидан келиб чиқиб, микрофирма, кичик корхона ва ўрта корхона мезонларини киритиш таклиф этилган;

кичик корхоналар фаолиятига солиқ имтиёзлари таъсирини баҳолаш ва солиқ имтиёзларидан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш услубиётини ишлаб чиқиш таклифи асосланган;

янги ташкил этилган тадбиркорлик субъектларига, давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан дастлабки икки йил мобайнида солиқ таътилларини бериш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлиги.** Қўлланилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, маълумотларни расмий манбалардан, жумладан Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Давлат статистика қўмитаси, Молия вазирлиги маълумотлари, солиқ қонунчилигини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатлар, хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ва солиқ ҳисоботларидан фойдаланилганлиги ҳамда хулоса ва таклифларнинг амалиётга жорий этилганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти тадбиркорлик субъектларини солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш, солиқ сиёсати ва солиққа тортиш тизимига оид назарий ва махсус илмий тадқиқотларни амалга оширишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялардан мамлакатимизда тадбиркорлик субъектларини солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш, солиқ қонунчилиги ва бюджет тўғрисидаги қонун лойиҳаларини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Тадбиркорлик субъектларини солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар асосида:

тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи субъектларнинг солиқ даврида товар (хизмат)ларни реализация қилишдан олинган даромади ҳажмига қараб айланмадан олинadиган солиқ жорий этиш бўйича берилган таклифлар 2020 йил 1 январдан амалга киритилган Солиқ кодексининг 461-моддасида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2021 йил 3 майдаги 06/04-01-03-29/1077-сонли маълумотномаси). Бунинг натижасида, солиқ даврида товар (хизмат)ларни реализация қилишдан олинган жами даромади бир миллиард сўмдан ошмаган Ўзбекистон Республикаси юридик шахслари ва солиқ даврида товар (хизмат)ларни реализация қилишдан олинган даромади юз миллион сўмдан ошган, лекин бир миллиард сўмгача бўлган якка тартибдаги тадбиркорлар айланмадан олинadиган солиқни тўлаши тўғрисидаги таклиф амалиётга жорий этилган ва якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан 2020 йилда 379,4 млрд. сўм миқдорида айланмадан олинadиган солиқ тўлаган;

аҳолини тадбиркорлик фаолиятига янада кенг жалб қилиш ва қонуний меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун қўшимча шарт-шароитларни яратиш бўйича берилган таклиф Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 8 июндаги “Тадбиркорлик фаолияти ва ўзини ўзи банд қилишни давлат томонидан тартибга солишни соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4742-сонли қарорида ўз аксини топган ва амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2021 йил 3 майдаги 06/04-01-03-29/1077-сонли маълумотномаси). Бунинг натижасида, ўзини ўзи банд қилган шахслар шуғулланиши мумкин бўлган фаолият (ишлар, хизматлар) турлари

ишлаб чиқилган ва ўзини ўзи банд қилган фуқароларни рўйхатга олиш бўйича мобил илова, солиқ тўловчининг шахсий кабинети ҳамда солиқ идораларининг ўзида жами 950 мингдан ортиқ фуқаролар рўйхатдан ўтишига эришилган;

тадбиркорлик субъекти ҳар бир фаолият тури учун алоҳида-алоҳида қатъий белгиланган миқдордаги солиқни тўлаши, фаолият билан икки ва ундан ортиқ аҳоли пунктларида шуғулланганида эса, ушбу аҳоли пунктлари учун ўрнатилган юқори ставкада солиқ тўлаши бўйича таклиф амалиётга жорий этилган ва Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 383-моддасида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2021 йил 3 майдаги 06/04-01-03-29/1077-сонли маълумотномаси). Бунинг натижасида, 2020 йилда, яъни бир нечта фаолият тури билан шуғулланувчи ҳар хил ҳудуддаги 11232 нафар ЯТТлардан 5638,1 млн. сўм қатъий белгиланган даромад солиғи ундирилишига эришилган;

I ёки II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар тадбиркорлик фаолиятини амалга оширган тақдирда фаолият туридан ва уни амалга ошириш жойидан қатъи назар, ойига қатъий белгиланган миқдордаги солиқнинг 50 фоизини, бироқ базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда тўлашлигига доир таклиф амалиётга жорий этилган ва Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-659-сонли Қонунига асосан Солиқ кодексининг 383-моддасига ўзгартириш киритилган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2021 йил 3 майдаги 06/04-01-03-29/1077-сонли маълумотномаси). Мазкур таклифнинг жорий этилиши натижасида 2020 йил давомида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи ногиронлиги бўлган шахслар ихтиёрида 9,7 млрд. сўм миқдоридаги маблағлар қолишига имконият яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 9 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси доирасида 17 та илмий ишлар, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижалари чоп этиш тавсия этилган маҳаллий журналларда 2 та, халқаро журналларда 4 та илмий мақола чоп қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Тайёрланган диссертация иши кириш, учта боб, хулоса ва таклифлар ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 145 бетни ташкил этади.


## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг мақсади, асосий вазифалари, объекти ва предмети шакллантирилган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этишнинг синовдан ўтганлиги, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Кичик тадбиркорлик субъектларини солиққа тортишнинг назарий ва ҳуқуқий асослари» деб номланган биринчи бобда тадбиркорлик фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий ва назарий асослари, иқтисодиётни тартибга солишда солиққа тортиш механизмнинг назарий асослари, Ўзбекистонда тадбиркорликни ривожлантириш босқичлари ва миллий иқтисодиётда тутган ўрни тадқиқ қилинган ва боб якунида мазкур масалалар бўйича илмий хулосалар шакллантирилган.

Мамлакат иқтисодиётини модернизациялаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда муҳим роль ўйнайди ва республикада амалга оширилаётган иқтисодий сиёсатнинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

Амалга оширилаётган ислохотлар натижасида кичик бизнеснинг ЯИМдаги улуши 2000 йилда 31,0 фоизни ташкил этган бўлса, 2010 йилда 52,5 фоизни ва 2021 йил якуни бўйича 54,9 фоизни ташкил этган ёки 2000 йилга нисбатан 23,9 фоизга ошган. Таъкидлаш жоизки, 2021 йилда 2015 йилга нисбатан 9,7 фоиз ва 2020 йилга нисбатан 0,8 фоизга пасайган. Ушбу ҳолатни 2019 йилда бошланган глобал инқироз ва пандемиянинг бевосита таъсири билан изоҳлашимиз мумкин.



**1-расм. Кичик бизнес ва тадбиркорликнинг иқтисодиёт ва унинг асосий тармоқларидаги улуши<sup>7</sup>**

<sup>7</sup> <http://www.stat.uz> -Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилди.

Ўзбекистон Республикасида самарали тарзда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар туфайли юртимизда кичик ва хусусий бизнес субъектлари икки баробар кўпайиб, соҳада 1 миллион 400 мингта янги иш ўрни яратилди. Тадбиркорлик фаолиятини эркинлаштириш мақсадида 16 та қонун, 100 дан зиёд қарор қабул қилинди. Тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида барча текширувлар учун мораторий эълон қилинди. Шунингдек, ўзини ўзи иш билан банд қилган аҳоли учун қулай шароит яратиш натижасида бир йилда 500 минг нафар фуқаро рўйхатдан ўтиб, фаолиятини қонуний асосда йўлга қўйди<sup>8</sup>.

### 1-жадвал

#### Кичик бизнес субъектларининг мамлакат иқтисодиётидаги ўрни ва аҳамиятини белгиловчи кўрсаткичлар<sup>9</sup>

Йиллар	Янги ташкил этилган микрофирма ва кичик корхоналар	Кичик бизнесда аҳоли бандлиги, (%)	Кичик бизнесда банд бўлган аҳоли сони (минг)	Кичик бизнесда янги ташкил этилган иш ўринлари (минг)
2000	24546	49,7	4467,1	324,5
2005	28795	64,8	6602,5	434,2
2010	24542	74,3	8643,9	480,0
2015	26900	77,9	10170,4	598,4
2016	26896	78,2	10397,5	600,0
2017	38167	78,0	10541,5	373,3
2018	48922	76,3	10128,8	450,0
2019	96743	76,2	10318,9	524,3
2020	95311	74,5	9865,7	510,4
2021	102804	74,4	10070,7	621,2

1-жадвал маълумотларига кўра, 2000 йилда кичик бизнесда аҳоли бандлиги 49,7 фоизни ташкил этган бўлса, 2021 йилда 74,4 фоизни ташкил этган. Кичик бизнесда банд бўлган аҳоли сони 2000 йилда 4467,1 мингтани ташкил этган бўлса, 2021 йилда ушбу кўрсаткич 10070,7 минг ёки 2000 йилга нисбатан 5603,6 мингтага кўпайган ёки 2,3 баробарга ошган.

Тадбиркорлик соҳасидаги ислохотлар натижасида Жаҳон банкининг “Бизнесни юритиш” халқаро рейтингида Ўзбекистон беш йил ичида 141-ўриндан 69-ўринга кўтарилди. Бу ишларнинг барчаси “Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик” деган эзгу даъват асосида амалга оширилмоқда. Президентимиз таъкидлаганидек, “Биз миллий иқтисодиётимизда ҳақиқий бозор муносабатларини жорий этиш, шу асосда мамлакатимизни тараққий эттириш учун тадбиркорларга бундан буён ҳам барча шароитларни яратиб берамиз. Нега деганда, тадбиркор – иқтисодиётнинг, ислохотларимизнинг

<sup>8</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимиз тадбиркорлари билан очик мулоқот шаклидаги учрашувда сўзлаган нутқи. <https://president.uz/uz/lists/view/4551>.


<sup>9</sup> <http://www.stat.uz> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари ва 2000-2020 йиллардаги статистик ахборотномаси маълумотлари асосида ҳисоб-китоблар.

асосий таянчи ва локомотивидир”<sup>10</sup>.

Хорижий ва маҳаллий иқтисодчи олимлар томонидан тадбиркорлик, бизнес, солиқ имтиёзи ва преференцияси, шунингдек, солиққа тортиш механизмининг назарий асослари борасида илмий тадқиқотлар олиб борилди.

Диссертациянинг иккинчи боби «Ўзбекистонда кичик тадбиркорлик субъектларини солиққа тортиш механизми таҳлили» деб номланиб, кичик тадбиркорлик субъектларини солиққа тортиш механизми, яқка тартибдаги тадбиркорлар ва ўзини ўзи банд қилган шахсларни солиққа тортиш ҳамда кичик тадбиркорлик субъектлари молиявий фаолиятига солиқларнинг таъсири таҳлили амалга оширилган ва тегишли хулосалар ишлаб чиқилган.

Республикада шаклланган солиқ сиёсати “Халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади”<sup>11</sup> тамойили асосида олиб борилмоқдаки, бу кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш муҳим роль ўйнайди ҳамда республикада амалга оширилаётган иқтисодий сиёсатнинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Эътироф этиш жоизки, иқтисодий дастаклардан бири бўлган солиқ механизми орқали уларнинг фаолиятини тартибга солиш ва рағбатлантириш муҳим аҳамият касб этади.



**2-расм. Тадбиркорлик субъектларига қўлланилган айланмадан олинандиган (ЯСТ) солиқ ставкалари ўзгариш динамикаси<sup>12</sup> (%да)**

2-расм маълумотларига кўра, микрофирма ва кичик корхоналар учун солиқ юкининг камайиш тенденцияси кузатилиб, ягона солиқ тўлови ставкаси

<sup>10</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимиз тадбиркорлари билан очик мулоқот шаклидаги учрашувда сўзлаган нутқи. <https://president.uz/uz/lists/view/4551>.

<sup>11</sup> Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимида бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи. //Халқ сўзи, 2016 йил 15 декабрь.

<sup>12</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ва Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

2005 йилда 13 фоизни ташкил этган бўлса, 2019 йилдан янги солиқ концепциясига мувофиқ айланмадан олинадиган солиқ ставкаси 4 фоиз миқдорида белгиланди.

Амалдаги солиқ қонунчилигига мувофиқ, йиллик айланмаси (тушуми) 1 миллиард сўмгача бўлган юридик шахслар айланмадан белгиланган ставкада солиқ тўласа, 1 миллиард сўмдан ошган корхоналар умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтказилади. Шунингдек, солиқ даврида товарларни реализация қилишдан олинган даромади 100 млн. сўмдан ошган, лекин бир миллиард сўмгача бўлган яқка тартибдаги тадбиркорлар ҳам айланмадан солиқ тўлайди.

## 2-жадвал

### Айланмадан олинадиган солиқ (ягона солиқ тўлови) тушуми тўғрисида маълумот<sup>13</sup> (млрд. сўмда)

Худудлар номи	2017 йил	2018 йил	2019 йил	2020 йил		2021 йил	
				ЯТТлар	юридик шахслар	ЯТТлар	юридик шахслар
ҚҚР*	120,4	163,7	68,2	15,9	34,4	14,1	48,9
Андижон	161,1	219,1	91,3	21,2	46,1	16,1	80,4
Бухоро	162,3	220,7	91,9	21,4	46,4	18,3	69,4
Жиззах	80,8	109,9	45,8	10,7	23,1	9,3	45,2
Қашқадарё	241,3	328,2	136,7	31,8	69,1	17,0	94,9
Навоий	79,1	107,5	44,8	10,4	22,6	8,2	43,6
Наманган	152,2	207,0	86,3	20,1	43,6	11,3	78,5
Самарқанд	188,8	256,8	107,0	24,9	54,0	16,0	96,3
Сурхондарё	110,3	150,0	62,5	14,5	31,6	8,1	64,8
Сирдарё	72,6	98,7	41,1	9,6	20,8	4,1	40,6
Тошкент	309,2	420,5	175,2	40,7	88,5	38,0	143,3
Фарғона	187,0	254,4	106,0	24,6	53,5	22,7	111,3
Хоразм	110,3	150,0	62,5	14,5	31,6	9,7	62,0
Тошкент ш.	903,9	1 229,3	512,2	119,1	258,7	127,7	375,0
<b>Жами</b>	<b>2 879,2</b>	<b>3 915,7</b>	<b>1 631,5</b>	<b>379,4</b>	<b>824,0</b>	<b>321,8</b>	<b>1354,1</b>

\* Қорақалпоғистон Республикаси

2-жадвал маълумотларига эътибор қаратадиган бўлсак, айланмадан олинадиган солиқ (ягона солиқ тўлови) тушуми 2017-2018 йилларда ўсиш тенденциясига эга бўлиб, бу кўрсаткич 2019 йилдан кескин камайиши кузатилган. Ягона солиқ тўлови тушуми 2019 йилда 2018 йилдагига нисбатан деярли 2,5 баробарга, 2020-2021 йилларда эса 3,3 баробарга камайиб кетган.


Ушбу ҳолатни хорижий мамлакатлар тажрибалари инобатга олинган ҳолда, солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси асосида 2019 йил 1 январдан тадбиркорлик субъектларини солиққа тортиш режими ўзгариши билан асослаш мумкин. Бунинг натижасида 2020 йилда яқка тартибдаги тадбиркорлар томонидан бюджетга 379,4 млрд. сўм ҳамда юридик шахслар томонидан 824,0 млрд. сўм миқдорида айланмадан олинадиган солиқ келиб тушишига

<sup>13</sup>Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида диссертант томонидан тайёрланган.

эришилди<sup>14</sup>. Шунингдек, 2020 йилда солиқ тушумларининг камайиб кетишига 2019 йилда бошланган глобал инқироз ва пандемиянинг бошланиши ҳамда пандемия даврида тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш бўйича қабул қилинган қўллаб ҳужжатлар (ПФ-5969-сонли, ПФ-5978-сонли, ПФ-5986-сонли, ПФ-6029-сонли ва ҳ.к.) асосида қўлланилган имтиёз ва преференциялар таъсир қилган.

Глобал инқироз ва пандемия шароитида аҳоли бандлигини таъминлаш долзарб ҳисобланиб, Ўзбекистонда 2020 йилнинг январь-июнь ойларида ишсизлик даражаси 13,2 фоизни ташкил этган. Бу кўрсаткич 2019 йилнинг шу даврида 9,1 фоизга тенг бўлган. Ишга муҳтож бўлганларнинг умумий сони 1,9 млн. кишини (16-30 ёшгача бўлганлар ўртасида ишсизлик даражаси – 20,1 фоиз, аёллар ўртасида ишсизлик даражаси эса – 17,4 фоиз) ташкил этади. Натижада иқтисодиётда банд бўлган 10,5 миллион аҳолининг атиги 4,9 миллиони даромад солиғи тўлайди.

Аҳолини тадбиркорлик фаолиятига янада кенг жалб этиш ва қонуний меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун қўшимча шарт-шароитларни яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 8 июндаги “Тадбиркорлик фаолияти ва ўзини ўзи банд қилишни давлат томонидан тартибга солишни соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4742-сонли қарори қабул қилиниб, унга мувофиқ, ўзини ўзи банд қилган шахслар шуғулланиши мумкин бўлган фаолият (ишлар, хизматлар) турлари рўйхати тасдиқланди ва 1 210 849 мингдан ортиқ фуқаролар рўйхатдан ўтишига эришилди<sup>15</sup> (3-расм).



**3-расм. Ўз-ўзини банд қилган тадбиркорлик субъектлари таркиби ва сони<sup>16</sup> (2022 йил 1 январь ҳолатига)**

<sup>14</sup> Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2021 йил 3 майдаги 06/04-01-03-29/1077-сонли маълумотномаси.

<sup>15</sup> Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2021 йил 3 майдаги 06/04-01-03-29/1077-сонли маълумотномаси.

<sup>16</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида диссертант томонидан тайёрланган.

Юқоридаги 3-расм маълумотларига кўра, республика миқёсида 2022 йил 1 январь ҳолатига 1 210 849 нафар фуқаролар ўзини ўзи банд қилувчи сифатида давлат рўйхатидан ўтган. Жорий йил давомида республика миқёсида 693 265 нафар фуқаролар ўзини ўзи банд қилувчи сифатида давлат рўйхатидан ўтган бўлиб, уларнинг аксарият қисми, яъни 189 881 (27 фоиз) нафари қишлоқ хўжалиги йўналишидагилар ҳамда 197 364 нафари (28 фоиз) маиший хизматларга тўғри келмоқда. Энг кам кўрсаткич ахборот-коммуникация йўналишига, яъни умумий рақамларга нисбатан атиги 2,7 фоизга тўғри келади. Демак, мамлакатимизда ушбу соҳа вакиллари янада рағбатлантириш ҳамда энгилликлар бериш ва пировардида ушбу соҳага тегишли фаолият билан шуғулланувчиларнинг сонини ошириш лозим.

Диссертациянинг «Иқтисодий ривожлантириш шароитида тадбиркорлик субъектларини солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш масалалари» деб номланган учинчи бобида тадбиркорликка қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш ва солиққа тортишни такомиллаштиришда хорижий мамлакатлар тажрибаси ўрганилиб, тадбиркорлик субъектларини солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш юзасидан амалий таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда бизнес юритиш учун қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва кафолатларини мустаҳкамлаш, давлат томонидан қўллаб-қувватлашга қаратилган кенг қамровли ислохотлар амалга оширилмоқда. Таъкидлаш жоизки, Жаҳон банкининг “Doing Business 2020” йиллик ҳисоботида Ўзбекистон 7 ўрин юқorigа кўтарилиб, дунёнинг 190 мамлакати орасида **69-ўринни** эгаллаб, Жаҳон банки экспертлари ҳисоботнинг 10 индикаторидан 5 тасида Ўзбекистон позицияси яхшилаганлиги эътироф этилган<sup>17</sup> (3-жадвал).

### 3-жадвал

#### Ўзбекистон Республикасининг халқаро индекслардаги рейтинги<sup>18</sup>


№	Индекслар номланиши	Жорий ҳолат	2021 йил	2022 йил	2030 йил
1.	“Бизнесни юритиш”индекси (Doing Business Index)	69,90 балл (69-ўрин)	72,43	77,8	89,36
2.	Иқтисодий эркинлик индекси (Economic Freedom Index)	57,2 балл (114-ўрин)	57,2	63,6	82,3
3.	“Инсон камолоти” индекси (Human Development index)	0,710 балл (108-ўрин)	0,720	0,740	0,820
4.	“Рақобатбардош саноат унумдорлиги” индекси (Competitive Industrial Performance Index)	2020 йилги рейтинг натижаларига кўра, 152 та давлат орасида 92-ўрин			

<sup>17</sup><http://www.doingbusiness.org/EconomyRankings> – Жаҳон банкининг Doing Business 2010-2020 йиллардаги ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

<sup>18</sup> <http://www.review.uz> – Иқтисодий тадқиқотлар ва ислохотлар маркази маълумотлари асосида тузилди.

Амалга оширилган ислохотлар натижасида “Иқтисодий эркинлик индекси” рейтингида Ўзбекистон **26 поғонага** кўтарилиб, 2020 йилда **114-ўринни**, “Рақобатбардош саноат унумдорлиги индекси”да 2020 йилги рейтинг натижаларига кўра 152 давлат орасида **92-ўринни** эгаллади. Бу бизнинг мамлакатимизга ишбилармонлик муҳитини яхшилашда энг катта ютуқларга эришган **20 та мамлакат** қаторига кириш имконини берди.

